

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 7 (1238) 2020 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛЬ



Ориф БУТАЕВ

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви Раиси этиб тайинланди

Шу кунгача Ориф Бутаев Алибоевич “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган эди.

Ориф Бутаев 1983 йил Сурхондарё вилоятида туғилган. 2006 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг бакалаврият босқичини – “Банк иши”, 2012 йилда Банк-молия академиясининг магистратура бўлимини – “Инвестицияларни бошқариш” мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Finance.uz

“SQB ONLINE” ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШДИ

Жорий йилнинг 18 февраль куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “SQB Insurance” суғурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Анжуманда давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси доирасида суғурта компаниялари, жумладан, “SQB Insurance”

томонидан суғурта бизнесига инновацион ёндашиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб ва таклифлари асосида янги инновацион суғурта хизматларини ишлаб чиқиш, бошқарув ва сотув жараёнига ИТ-технологияларини кенг жорий қилган ҳолда миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)

“ИПОТЕКА БАНК”: БИЗ ЁШЛАРГА ИШОНАМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистонни албатта, ёшлар билан бирга қурамыз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”, дея таъкидлади.

Учрашувда айтилган бу фикрлар бугун ёшларимизни руҳлантириб, янги марралар сари чорламоқда. Буни давлат ва жамоат ташкилотларида, турли муассасаларда ишлатган ёшлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Бугун юртимиздаги барча тизимларда раҳбарият ва ёшлар учрашувлари ташкил қилиниб, раҳбарлар ёш кадрларнинг таклифлари, фикрлари, муаммо ва ташвишлари билан шахсан қизиқмоқда. Бу эса ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириши баробарида ўз касбининг моҳир устаси бўлишига замин яратмоқда.

Ана шундай очиқ мулоқот “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкида ташкил этилди. Унда банк

Бошқарув раиси Шухрат Атабаевнинг банкда фаолият олиб бораётган бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

– Сафимизда сиздай фаол ёшларнинг кўплиги мени жуда ҳам қувонтиради, – дейди Ипотека-банк Бошқаруви раиси Шухрат Атабаев. – Чунки ҳар сафар сизлар билан учрашганимда янги-янги таассуротлар ва таклифлар оламан. Бу эса бизни янада руҳлантиради. Ёшлар томонидан билдирилаётган инновацион ғоялар амалиётга изчил татбиқ этилишида бор куч ва ғайратимизни ишга соламыз. Билимли ва иқтидорли ёшлар банкимизнинг келажагидир.

(Давоми 3-саҳифада)



“ТРАСТБАНК” ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Жорий йилнинг 13 февраль куни “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви Раиси Сардор Нормухамедов бошчилигидаги делегация Ислом Тараққиёт банкнинг (Жидда шаҳрига) Бош офисига ташриф буюрди.

(Давоми 2-саҳифада)



“ТРАСТБАНК” ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИСЛОМ ТАРАҚИЁТ БАНКИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ташриф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги “Исломотараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган Исломотараққиёт банки гуруҳининг молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги муҳим йўналиш бўлди.



“Трастбанк” ва Исломотараққиёт банки гуруҳи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари 2018 йилда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Исломотараққиёт корпорацияси (ХСРИК) билан 7 000 000 АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линиясини ажратиш тўғрисидаги икки томонлама Битим имзоланиши билан бошланган.

2019 йилда Исломотараққиёт банкининг яна бир бўлими – Халқаро савдо ва молия Исломотараққиёт корпорацияси билан 4 000 000 АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линияси бўйича янги шартнома кучга кирди. Бугунги кунга келиб иккала линия ҳам муваффақиятли ўзлаштирилган.

Ажратилган линиялар ҳисобида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бир қатор инвестиция лойиҳалари, шу жумладан кабель ишлаб чиқариш, электрон қисмларни ишлаб чиқариш, қурилиш ва маиший техника ишлаб чиқариш соҳалари молиялаштирилди.

Музокаралар давомида томонлар ўтган йилдаги қўшма фаолият натижаларини сарҳисоб қилиб,

2020 йилда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкига қўшимча молиявий ресурслар ажратиш истиқболлари, шунингдек яқин келажакда исломий молиялаштиришнинг янги воситаларини жорий этиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Сабоҳат ХАЙТҚАРИЕВА



“SQB ONLINE” ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, компания 2019 йил 16 августда умумий сугурта соҳасининг барча 17 классификация бўйича мажбурий ва ихтиёрий сугурта турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлганлиги, республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларини очиб, улар сонини 14 тага етказганлиги маълум қилинди.

Аҳолининг барча қатламига мўлжалланган, соддалаштирилган шартларни ўз ичига олган ва, энг асосийси, аҳоли учун қулай нархларда сугурта маҳсулотлари ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

“Менинг оилам”, “Менинг уйим”, “Катта уй”, “KASKO-PREMIUM”, “KASKO-SILVER”, “SWEET HOME”, “MY CARD”, чет элга чиқувчилари (саёҳатчилар) ни сугурталаш ҳамда жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш каби сугурта маҳсулотлари шулар сирасига киради.

Бундан ташқари, компания томонидан бошқарув ва сотув жараёнларига IT-технологияларини кенг жорий қилиш, мижозларга замонавий, сифатли

ва тезкор сугурта хизматларини кўрсатиш мақсадида “SQB Online” платформаси ишга туширилди. Сугурта хизматларининг “Telegram-bot” орқали ҳам сотуви йўлга қўйилган.

Компания ички ва ташқи сугурта хизматлари бозорларида қайта сугурталаш хизматларини ҳам кўрсатиш имконига эга. Айтилган шунингдек 22 та компания билан ҳамкорлик ўрнатган, “СКАЛА брокер” (Россия) ва “MOI Broker” (Қозғистон) халқаро қайта сугурталаш брокерлари билан шартномалар тузган. Натижада жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига қўра, қайта сугурталаш хизматлари бўйича 394 та шартнома имзолаб, 1,4 млрд. сўм ҳажмида сугурта муқофотлари тушумини таъминлаган.

Халқаро ҳамкорлик борасида “SQB Insurance”, шунингдек Туркиянинг REMED Assistance (Туркия) халқаро ассистанс компанияси билан саёҳатчиларни сугурталаш лойиҳаси доирасида иш олиб бормоқда.

Анжуманда ўтган давр мобайнида компания томонидан амалга оширилган ишлар аниқ кўрсаткичлар доирасида сарҳисоб қилинди.

Ўз мухбиримиз

Ўзсаноатқурилишбанк Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети билан ахборот-коммуникация технологиялари ва математика йўналишида мутахассисларни жалб қилиш бўйича ўзаро англашув меморандумини имзолади.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ТАЛАБАЛАРГА СТИПЕНДИЯ АЖРАТАДИ

Келишувга қўра, Банк томонидан университетнинг юқори босқич талабалари учун стипендия ажратилиши

режалаштирилган. Бунда стипендия Банкдаги амалиёт жараёнларини аъло даражада ўтаган ва тегишли

комиссия суҳбатидан муваффақиятли ўтган талабаларга мўлжалланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Банк тизимда инновацион ечимларни жорий қилиш мақсадида талабаларнинг шу соҳага доир янги дастурий тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Бунинг учун университет биносида “Ўзсаноатқурилишбанк инновацион маркази” ишга туширилади. Марказда талаба-ёшлар дастурий таъминотлар яратиш, уларни банк ахборот-коммуникация технологиялари тизимида жорий қилиш, шу соҳада янги банк хизматлари учун бизнес жараёнларни ташкил этиш, умуман, банк бизнесининг барча йўналишлари бўйича назарий билимларини амалий кўникмалар асосида мустаҳкамлашга қулай шароит яратилади.

Шунингдек, томонларнинг келишуви банк ходимларининг АКТ ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга ҳам қаратилган. Бу борада иш университетнинг маҳоратли педагогларини жалб қилган ҳолда ташкил этилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзсаноатқурилишбанкда ходимлар малакасини ошириш ҳамда улар захирасини шакллантириш замонавий услубда олиб борилмоқда. Банкнинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан турли мазмундаги лойиҳаларни амалга ошириши шу йўналишдаги чора-тадбирлар сирасига киради.

“ИПОТЕКА БАНК”: БИЗ ЁШЛАРГА ИШОНАМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Учрашувда Бошқарув раиси давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасига алоҳида тўхталиб, унда Президентимизнинг тижорат банклари фаолиятига доир тавсияларига алоҳида ургу бердилар.

Сухбат давомида мана шу тавсия ва мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўз юритилди. Бу жараёнда ёшларнинг фаоллиги, инновацион таклифлари айниқса муҳимлиги эътироф этилди.

Турли расмий-чиликлардан холи, очик мулоқот кўринишида ўтказилган учрашувда ёшлар томонидан кўтарилган масалалар ҳудудларда иш самардорлигини ошириш, мижозларга тезкор замонавий банк хизматларини тақдим этиш борасида қўлайликлар яратиш каби масалалар ўртага ташланди ва ўзаро фикр алмашилди.

ёшларимизнинг ҳар бир таклифи биз учун муҳимдир, — дейди “Ипотека-банк” АТИБ Ходимлар билан ишлаш департаменти директори Сауле Сайддуллаева. — Чунки навқирон авлод дунёга ўзгача нигоҳ билан боқади. Уларнинг янги инновацион гоялари, фикрлари фаолиятимизни янада ривожига туртки беради. Бугун ҳам уларнинг турли йўналишда билдирган мулоҳазалари билан яқиндан танишиш, уларни яқиндан ўрганишимизда муҳим замин бўлиб хизмат қилди деб айта оламиз.

— Бугунги учрашувда ёшлар ўзлари ишлаётган банк филиали, бўлимидаги янгилликлар, мижозлар истакларидан келиб чиққан ҳолда ўз таклифларини билдирдилар, — дейди “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати раҳбари Барҳаётжон Сатторов. — Ишонч билан шунини айта оламизки, биз банкимизнинг имижини билимли ва иқтидорли ёшлар билан бирга юксалтираемиз. Дунё молия бозорига ана шундай ҳам иқтидорли ўз устида тинимсиз ишлайдиган ходимлар



Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги йилларда банк томонидан тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва малакасини ошириш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратиб келинмоқда. Айниқса, сунгги пайтда банкда ёшларнинг фаоллигини ошириш, филиаллар ходимларининг бир-бирлари билан мулоқоти ҳамда фикр алмашишини янада яхшилаш учун турли спартакиада спорт мусобақалари ташкил этилаётган. Шу билан бирга ходимларнинг чет тилини ўрганиши учун тил тўғрисида фаолиятни йўлга қўйилгани эса алоҳида эътиборга моликдир.

Шунингдек, учрашувда банкда ахборот технологияларини жадал ривожлантириш бу борада хорик тажрибасини яқиндан ўрганиш таклифи билдирилди. Хусусан, ходимларнинг хорижда малака ошириш бўйича курслар ташкил қилиш ҳамда ёшларнинг иқтидорли, мустақил фикрлайдиган ходимлар ўртасида турли танловлар асосида лавозимларга тайинлаш таклифлари раҳбарият томонидан илиқ қаршилди.

— Банкда фаолият юритаётган

билан бирга кириб борар эканмиз, бу борада яхши натижаларга эришимизга ишончимиз комил.

— Банк бошқарув раиси бизнинг соҳага оид таклифларимизни, мулоҳазаларимизни эътибор билан тинглади, — дейди банк Хоразм вилояти филиали бўлим бошлиғи Зафар Мирзаев. — Раҳбариятдан ўзимизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилиши банкимизни янада ривожлантириш, ёш мутахассисларда ишчанлик кайфиятини оширишга муҳим замин бўлиб хизмат қилади деб айта оламиз. Учрашувда банк раёнақи учун яхши таклифларини ўртага ташлаган тенгдошларимизнинг фикрлари инobatта олинди. Уша таклиф бўйича амалий ҳаракатлар мени жуда қувонтирди.

Ушбу молия муассасасида ёшларга қаратилаётган бу каби эътибор банк фаолиятини янада ривожлантириб, мижозларга тақдим этилаётган банк хизматларини яхшилашда, фаол ёшлар мулоқот майдонини вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга.

Ипотека-банк Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати



Бугунги кунда барча жаҳонларда, хусусан, банк соҳасида ҳам ёшлар билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”и ҳам бу борада фаол тадбирларни, янгидан янги гояларни илгари сураётган.



МУЛОҚОТ ВА РАҒБАТ

Бу албатта, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрдаги ёшлар билан учрашувида белгиланган вазифалар ва уларнинг банк тизимидаги ижросига мувофиқдир.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси Баҳодир Муллахонов банк тузилмаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ёш ходимлар билан навбатдаги учрашувини ўтказиб, улар билан очик мулоқотга киришиб, соҳага доир фикр ва мулоҳазаларини тинглади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувида белгиланган вазифалар ва уларнинг банк тизимидаги ижроси доирасида ўтган давр мобайнида амалга оширилган чоралар атрофлича таҳлил қилинди.

Банк Бошқаруви раиси ўз чиқишида таъкидладикки, ўсиб келаётган авлод вакиллари жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг салоҳиятини қўллаб-қувватлаш борасида қисқа давр ичида қатор ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди. Асосийси, ёшлар бугун ўзларига ишонч нақадар юксаклиги, ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш муқаддас бурчлигини тўла ҳис этмоқда. Бинобарин янги Ўзбекистон — янги гоя, янги ёндашув ва ечимлар ила бўнбў бўлади.

Аҳамиятли томони, банкнинг барча вилоятлардаги филиалларидан таклиф этилган ёш, илғор мутахассислар иштирок этган тадбир самимий мулоқот, ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтгани санаб ўтилган жиҳатлар бўйича қатор муҳим амалий таклифлар билдирилишига асос бўлди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ижрочи директори Хайрулла Сатторов иштирок этди. У ўз сўзида айтиш мумкин бўлган давлат сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти, яратилаётган шароит ва мавжуд имкониятлар хусусида атрофлича маълумот берди. Бугунги кунда “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан иштирокчиларни яқиндан таништирди.

Шерзод Мухтаров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”даги Етакчилар кенгаши раиси:

— Давлат раҳбарининг ёшлар билан ўтказган учрашуви фаолиятимизда том маънода туб бурилиш ясади. Тенгдошларимиз, хусусан, банкимиз тизимида ишлаётган ёшлар бугун фақатгина йўриқнома асосида олдиға қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарувчиси эмас, балки фаолиятимизни такомиллаштиришга бевосита дахлдор мутахассис эканини ҳис этмоқдалар. Қувонарлиси, Банк Бошқаруви раисининг тизимдаги ёшлар билан учрашувлари мунтазамлик касб этди. Буни қисқа давр ичида иккинчи бор ўтказилаётган бугунги тадбир ҳам тасдиқлайди.

Ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтган учрашувда иштирокчилар фаоллиги ҳам сезиларли равишда ошиб бормоқда. Билдирилган таклифлар кўпчилиги ва уларга муносабат жиддийлиги боис, тадбир мўлжалдагидан анча узоқ давом этгани фикримиз тасдиқлайди.

Тадбирда билдирилган ҳар бир таклиф алоҳида ва атрофлича муҳокама қилинди. Ёшлар томонидан билдирилган мулоҳаза ва таклифлар уларнинг Давлат раҳбари томонидан ёшларга қарата айтилган фикрлар, Мурожаатномада илгари сурилган масалаларга бефарқ эмаслигини яққол намоён қилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тегишли мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Шунингдек, тадбир давомида банк тизимида ўтказилган “Заковат” кўриқ-танловининг тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Бу мусобақада биринчи ўринни Бош банк жамоаси, иккинчи ўринни Қашқадарё вилояти жамоаси қўлга киритди. Мана шундай рағбатлантирувчи тадбирлар ёшларни банк тизимидаги ижтимоий жараёнларга фаол киришиб кетишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Шукрур ЖАББОР

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ХУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар ва кам таъминланган оилаларни хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларни иш билан бандлигини таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори миллий хунармандчилигимизни янада ривожлантиришга, хунармандчилик маҳсулотларимизни чет эл бозорларида намойиш қилишга ва шу аснода туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада “Микрокредитбанк” ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, “Хунарманд” уюшмаси ўртасида тузилган битимга мувофиқ хунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширилиши учун узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлар ажратиб келинмоқда. Хусусан, республика бўйича 2019 йил мобайнида жами 626 нафар хунарманднинг лойиҳаларини молиялаштиришга жами 22,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, жорий йил давомида 104 та хунармандга жами 3,7 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди.



Жумладан, Бухоро вилоятида фаолият юритувчи хунарманд Бахриддин Саидов бугунги кунда қандакорлик (тунукага нақш тушириш) фаолияти билан шуғулланади. Хунарманд ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида хомашё сотиб олиш учун 66,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратишни сўраб “Микрокредитбанк”ка мурожаат қилган эди. Банк томонидан ушбу хунарманднинг мурожаати қаноатлантирилди. Натижада, маҳсулот тури ва сифати ортиб, қўшимча янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида чеварчилик билан шуғулланувчи Севара Тошалиевага фаолиятини кенгайтириш мақсадида банк томонидан 66,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига хунарманд матоларга турли шакл ва гул босадиган ускуна харид қилди. Айни дамда унинг фаолияти кун сайин ривож топиб, даромади ҳам ошиб бормоқда.

Қисқасини айтганда, “Микрокредитбанк” томонидан ажратилаётган кредитлар қўллаб-қувватлашларимизнинг хунари бўлишига, уларнинг даромадлари ортишига, энг асосийси, юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Сарвар ОЧИЛОВ



“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” КЎМАГИ ЭКСПОРТ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Бугунги кунда банклар томонидан қўллаб-қувватланган истиқболли лойиҳаларнинг молиялаштирилаётгани мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошишига хизмат қилмоқда. Бу борада АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ҳам улкан ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яқинда банк томонидан журналистлар учун ташкил этилган пресс-тур доирасида иштирокчилар ана шу амалий ишларнинг гувоҳига айланди. Улар Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги “ARIMEX” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон – Қозоғистон қўшма корхонасида бўлишиб, корхонанинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мазкур лойиҳани ишга туширишда “Қишлоқ қурилиш банк” ҳисобидан 2 363 000 АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратилди. Бу маблағларга корхона Туркия давлатидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатди.

Корхона ишга туширилиши нафақат сифатли ун ишлаб чиқариш, балки янги иш ўринлари пайдо бўлиши, маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмининг ортиши ва ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб

қилиш каби муҳим мақсадларни ҳам қўзғайди. Шу билан бирга маҳаллий бозордаги сифатли ун маҳсулотига бўлган талабни қондиришга хизмат қилади.

Корхона тўлиқ қуввати кунига 350 тонна бугдойдан 260 тонна ун ва 70 тонна кепак ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи ички бозорга йўналтирилса, 20 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган.

– Ҳар куни қайта ишланган бугдойдан 260 тонна ун ва 70 тонна кепак оламиз. Қозоғистон бугдойидан тайёрланган бир неча навдаги ун “Эъзоз” бренди билан ички бозорга ва экспортга етказиб берамиз, – дейди корхона директори Нодир Пирмухаммедов. – Айни вақтда афғонистонлик тадбиркорлар билан шартнома туздик.

Жами 5,5 гектар майдонда

жойлашган корхона фаолиятини истиқболда янада кенгайтириб, макарон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи. Ҳозирнинг ўзида корхонада 70 та янги иш ўрни яратилган бўлса, макарон цехи ҳисобига уларнинг сафи янада ортиши кутилмоқда.

– Банкимиз мазкур корхонадан ташқари яна йигирмата йирик лойиҳани молиявий қўллаб-қувватламоқда, – дейди “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар филиали Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш маркази раҳбари Раҳматилла Фозилов. – Бунинг учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит берилган. Биринчи чорак якунига қадар яна иккита корхона иш бошлаши мўлжалланмоқда. Улардан бири қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли бўлиб, иссиқхонада гул ва помидор етиштиришга ихтисослашган.

Пресс-тур давомида журналистлар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва ходимларга яратилган ижтимоий шароитлар билан яқиндан танишдилар.

ЭНДИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЯНАДА ОСОНЛАШДИ

Оилавий тадбиркорликни кредитлаш йўналишида инсон омилини йўқотиш, шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида Халқ банки “Oilaviy biznes” мобил иловасини ишга туширди.


Ушбу мобил илова орқали энди оилавий бизнесни йўлга қўйиш янада осонлашди. Яъни ўз оилавий бизнесини ташкил этмоқчи бўлган жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур мобил илова ишлаб чиқилди.

Ушбу илова ёрдамида мижоз:

- телефон рақами орқали рўйхатдан ўтиб, оилавий бизнеснинг йўналишларидан бирини танлаши;
- оилавий тадбиркорлик бўйича кредит турлари ҳамда тартиби ҳақида маълумот олиши;
- кредит маблағи ажратилиши учун онлайн тарзда Халқ банки филиалларига ариза бериши;
- мижоз маълумотларини онлайн юклаши;
- фаолият юритиладиган жойларнинг суратларини тақдим этиши;
- таъминотчи етказиб берган маҳсулот ва хизматларнинг суратларини онлайн юклаши;
- мижоз юборган аризаси банк томонидан маълумлангани ёки рад этилгани тўғрисида тезкор жавоб олиши мумкин.

**Халқ банкidan
инновацион янгилик!**

“Oilaviy biznes” мобил иловасини ишга тушди



Илованинг қулайликлари:

- ҳужжат топшириш учун банк филиалига бориш шарт эмас;
- кредит олишда маҳаллийчилик, таниш-билишчиликка йўл қўйилмайди;
- кредит ажратишда шаффофлик ва очиқлик таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

“ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил 30 декабрда 3022-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни

ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 21 декабрь,
31/1-сон

мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон) билан тасдиқланган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 21 декабрдаги 31/1-сон қарорига
ИЛОВА

“ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. Муқаддимадаги “тижорат банклари” деган сўзлар “АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ (бундан буён матнда тижорат банклари деб юритилади)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“2. Кредитлар дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан ажратилади.”.

3. 2-бобнинг номидан, 3, 10, 11 ва

12-бандлардан, 4-бобнинг номидан, 17, 18, 20 – 23, 31 ва 33-бандлардан “имтиёзли” деган сўз чиқариб ташлансин.

4. 4-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“4. Кредитлар тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан эса тижо-

рат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилади.

Тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиш механизми қўлланилади.”.

5. 16-банддан “йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 32-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Импорт шартномалари асосида кредит маблағлари ҳисобидан хориждан келтириладиган товарлар (хизматлар) бўйича тўловлар мазкур шартномаларда назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОНАНДЛИГИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2019 йил 25 декабрда 2693-6-сонли рақам
билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015

йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
30/9-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 13 декабрдаги 30/9-сон қарорига
ИЛОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОНАНДЛИГИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 2-банднинг тўққизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“регулятив капитал — банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали;”.

2. 45-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“45. Мазкур Низоми талаблари банклар томонидан бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНККА АЛОҚАДОР БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН
ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2019 йил 25 декабрда 2706-3-сонли рақам
билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/15-сон қарори (рўйхат рақами 2706,

2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 418-модда) билан тасдиқланган Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
30/10-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/10-сон
қарорига
ИЛОВА

БАНККА АЛОҚАДОР БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН
ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 26-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“26. Мазкур Низоми талаблари банклар томонидан бузил-

ган тақдирда Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.”.

ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш олдида турган асосий вазафалардан бири бу банк хизматлари сифатини ошириш, хизматлар кўламини кенгайтириш ва уларни ривожланган давлатлар банклари даражасига етказишдан иборат.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу борада замонавий банк хизматларини ривожлантириш ва банк хизматларини оммабоплигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан қабул қилинган "2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам "банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш" вазифаси белгилаб берилган.


Ҳозирги кунда тижорат банклари аҳолига қўлайлик яратиш ва замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида 24/7 режимида, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиб, фойдаланишга топшириб келмоқда. Шохобчалар замонавий банк хизматларини кўрсатувчи банкоматлар, инфокиоск, инфомонитор ва "Интернет-банкнинг" хизматида фойдаланувчи юридик шахслар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи клавиатурали инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланмоқда. 24/7 режимида ишлайдиган мазкур шохобчаларнинг кўпайиши банкомат ва инфокиосклар сонининг ошишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан бажарадиган хизматлар сони ошиб бориши мижозларга қўлайлик яратиши ва банк хизматларининг сифатига қараб мижозларни банкни танлаш имконияти яратилади. Кўрсатиладиган хизматлар тижорат банклари учун маълум миқдорда даромад олиб келади. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, банк даромадида асосий ўринни ҳар хил хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Банк хизматларини ривожлантиришга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Аънаъавий;**
2. **Ноаънаъавий.**

Тижорат банкларининг аънаъавий банк хизматларига банкларнинг ташкил топиши билан мижозларга



кўрсатилиб келаётган банк хизматлари кириб, барча банкларга хос хизматлар ҳисобланади. Яъни, тижорат банкларининг кредитлаш операциялари ва депозит операциялари аънаъавий хизматларнинг асосини ташкил этади.

Ҳозирги кунда етакчи хорижий банклар амалиётида мавжуд молиявий хизматлари етарлича диверсификацияланган бўлиб, уларнинг банк даромадидаги улушини молиявий банк ноаънаъавий хизматлар улушига тўғри келмоқда.

HSBC банкининг даромадлари манбалари кўп қиррали бўлиб, уларнинг таркибиде Брокерлик хизматининг улуши 15 фоизни, венчурли инвестиция фаолиятдан олинган даромадлари улуши 31 фоизни ташкил этган.

Тижорат банклари хизматларининг миқдорий тавсифи хизматлар сони, уларнинг кўлами ва доираси билан белгиланса, банк хизматларининг сифат тавсифи хизматлар сифати, тезкорлиги ва аниқ-манзилли амалга оширилиши, бу хизматлардан мижозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Тижорат банклари хизматларининг миқдор ва сифат тавсифи ҳамда унинг самардорлиги улар томонидан болашақ соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғлиқдир. Турли банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатларни, шу жумладан, ушбу хизматлар учун асосланган нархларни аниқлаш ёрдамида тижорат банклари учун бозорнинг ўзгарувчан конъюктурасига мослашиш имкони туғилади.

Замонавий ахборот технологиялари, янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий этилиши мамлакатимиз банк хизматлари бозори кенгайтишига шароит яратмоқда. Республикаимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари тижорат банклари ҳам чакана амалиётлар, мижозларга тақдим этиладиган хизматлар турини ошириш орқали ўз фаолиятини диверсификациялашга эришмоқда.

Айни пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, уни банкнинг фаолиятига оид маълумотлар, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли ахборотлар билан мунтазам бойитиб бормоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса, давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Аҳоли ўртасида мобил телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан "Мобиль-банкнинг" (WAP-banking) ва "SMS-банкнинг" хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди. Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (Банк-Мижоз, Интернет-банкнинг, Мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг ва бошқалар)ни республика миқёсида доимий такомиллаштириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли равишда амалга оширилиши бир томондан миллий банк тизимининг ривожланиш тенденцияларидан гувоҳлик берса, бошқа томондан республика иқтисодиётида бозор механизмларининг янада мустаҳкамланишига шароит яратади.

Масофавий банк хизматлари атамаси остида бирлашувчи кенг миқёсдаги хизматлар орасидан бугун мамлакатимизда Интернет-банкнинг ва Мобиль-банкнинг хизматлари бўлган талаб юқоридир. Мобиль-банкнинг ҳам деярли шундай қўлайликларга эга, фақат бунда мобил телефон банк ҳисобварақини бошқариш воситаси сифатида хизмат қилади.

Банкларда Интернет-банкнинг ва Банк-Мижоз, SMS-банкнинг ва Мобиль-банкнинг хизматлари орқали чакана тўловлар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг уларга бўлган ишончи орттишига ва банкларнинг замонавий хизматларидан фойдаланишга туртки бўлмоқда.

Банк мижозларининг янги банк хизматларидан фойдаланишларини кенгайтириш учун тижорат банклари хориж банклари амалиётида мавжуд қуйидаги молиявий хизматлари-

ни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозориде брокерлик хизматларини фаоллаштиришлари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ҳажмини ошириш;

2. Банклар томонидан сугурта хизмати кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш, уларнинг таркибиде хусусий пенсия жамғармаларини ташкил этиш орқали кредит ресурслари ҳажмини кенгайтириш;

3. Банклар мижозларга маълум бир муддатга белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи банк кредит карталарини муомалага киритишлари, шу билан бирга, дебет банк пластик карталарига микроқарз ёки овердрафт кредитларини бериш амалиётини кенгайтиришлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

4. Венчурли молиялаштириш хизматини йўлга қўйиш. Ушбу чет эл тажрибасида кенг тарқалган молиялаштириш шакли бўлиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакли саналади.

Тижорат банкларида веб-сайт орқали юридик ва жисмоний шахсларга интерактив хизматларни кўрсатиш бўйича қуйидаги хизмат турларини жорий қилиш ва кенгайтириш:

- банк карталарини олиш учун бююртмаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш муддатлари ҳамда банк карталарининг фойдаланишга тайёрлиги ҳақидаги хабарнома функцияларига эга бўлган хизматларни жорий этиш;

- тадбиркорларга кенг кўламли хизмат кўрсатиш мақсадида кредит олиш учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда топширилган ҳужжатларнинг белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳақида хабар қилиш;

- кредитлар миқдори ва улар бўйича фоиз ставкалари, кредит фоиз ставкалари бўйича ойлик тўловлар миқдори, кредитнинг максимал суммаси ва бошқа ҳисоб-китоблар воситалари сифатида фойдаланиш учун интерактив кредит калькуляторини жорий этиш;

- банкнинг турли интерактив ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун фойдаланувчининг шахсий кабинетини ишлаб чиқиш, бунда банк пластик картасига юклаш учун маблағлар ҳақида маълумотлар, пластик картага юкланган барча маблағлар тарихи, чиқим амаллари, шунингдек, кредитлар ҳақида тўлиқ ахборот бериш кўзда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда, улар орасида янги истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобат сезиларли даражада кучайди. Банклар томонидан кенг кўламли хизматлар кўрсатилиши, банкнинг мижоз учун ишлаши бугунги кун талабидир.

Жамол ҚУРБОНОВ
Банк-молия академияси
тинловчиси

Ҳеч ким панжара ортига тушмасин экан. Яқин ўртоғимнинг суд ишида иштирок этиб, шунга амин бўлдим. Чунки у ердаги аянчли манзара ҳар қандай кишининг юрагини эзади.

Ҳали ўттизга ҳам кирмаган ёш йигитнинг оиласини ташлаб, навқирон даврини тўрт девор ортида ўтказиши аламли эди. Унинг оиласи, яқинларининг аҳволи эса, янада ачинарли. Онаизорнинг кўз ёшлари бағрингни тилка-пора қилади. Дўстим узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Эҳ дўстим, нималар қилиб кўйдинг?! Вақти келиб, у ердан чиқарсан ҳам. Аммо кейинги ҳаётинг қандай кечади?..

Бу воқеага ҳам салкам тўққиз йил бўлибди. Лекин кечагидек эсимда.

Яқинда нотаниш рақамдан кўнги-роқ бўлди. Олсам, ўша ўртоғим. Унинг вазини бирдан танимабман. "Шунақасан-да, унутасан-да", деди пича дили оғриб.

– Нахотки, тўққиз йил ўтган бўлса...

– Йўқ, саккиз йилу уч ойда чиқдим...

Ҳол-аҳвол сўрашгач, "жўра, вақтинг бўлса кел, суҳбатлашамиз" деди.

– Албатта бораман!

Минг ўй-хаёлларда уникига бордим. Ғалати бўларкансан, киши. Орадан шунча муддат ўтди, мен қандай инсон билан кўришар эканман, у ҳануз ўша-ўшамикан?

Хавотирларим ўринсиз чиқди. Ранги тиниқ, ўзини олдириб қўймаган. Фақат анча улғайган. Гап-сўзлари ҳам бошқача.

Гўё у қамоқдан эмас, қандайдир сафардан қайтгану, мен шунчаки, "яхши бориб келдингми, оғайни?" дея ҳол-аҳвол сўрашга келгандекман. Гап ҳам гапга жуда қовушаётгани йўқ. Бир-биримизга савол берамиз, жавобини эшитиб яна бир муддат жимиб қоламиз...

Ҳартугул шу пайт бошқа бир танишим кўнги-роқ қилиб, Михаил Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" китобини сўраб қолди. Телефонда гаплашиб бўлгач, "Яхши китоб" деб кўйди ўртоғим секингина. Унинг сўзига эътибор бермай, гапни бошқа ёққа бурдим. Чунки мен билган дўстим умрида китоб ўқиган инсон эмасди. Бироқ у "чиндан-да ҳам яхши асар, айниқса асарнинг охириги саҳналари кишига бошқача таъсир этади" деб кўшиб кўйди.

– Сен қаердан биласан?

– Ҳа, энди, озгина варақлагандим.

Унинг гапларига бироз ишонқирамадим, очиги, кулгим ҳам қистади.

– Ўртоқ, зулмат деган сўзнинг маъносини биласанми?

Яқиндагина жазони ўташ муассасасидан қайтган кишининг тўсатдан берган саволига нима деб жавоб қилишни ҳам билмай, "яхшигина ақли кирибди-да у ёқларда" деб кўйдим ичимда.

– Ҳайрон бўлясан-а? – дея сўзидан давом этди у худди фикримни уққандай. – Мана шу сўзларнинг маъносини "колонка"га чиққанимдан кейин англадим. Сен қийналиб, ақли кирибди-да, дерсан. Тўғри, бошида кўникунимча, ич-ичимдан эзиллавериб адо бўлдим. Аммо шундай кунларнинг бирида бир дўстни учратдимки, у менга ҳаётнинг маъзини, мазмунини англади.

Унинг гаплари мени тобора таажубга солар, чунки у мен билган



тўпори йигит эмасди. Гап-сўзларидан шўрликка диний оқим таъсиридаги бирор чаламулла ҳамроҳ бўлибди-да деган фикр хаёлимдан ўтди.

Олдин зулматда яшаган эканман, ўртоқ. Энди зиёга чиқдим.

– Тўғри, озодликдасан.

– Йўқ, уни айтганим йўқ. "Колонка"га чиққанимча деяман. Ўша пайтларда оқ билан қоранинг, кун билан туннинг фарқи бормаган эканман. У ерда бўлгач, ўша дўст қалбимга зиё олиб кирди. Қандай дейсанми?!

Менинг ажабланаётганимни сезди, шекилли, гапидан давом этди:

– Жазо ўташинг энг қийин жойи, сенга айтсам, ёлғизлик. Гарансиб, тўрт девор ичида қилмаган ишинг, эрмагинг қолмайди. Ўзингни оватасан, хаёл сурасан, кейин ақлдан озишга тушасан. Бутун ҳаётингни хаёлдан, чиғирикдан ўтказасан. Бари жонингга тегасди. Қанийди, бир ҳамроҳ бўлсан, дея, бир дўста зор бўласан. Бўшингни деворга ургитг келади. Қилмишингдан пушаймонлар ейсан. Бундай кунлар кўп бўлди. Аммо менга Худойим бир дўстни рўбару қилдики, ундан бошқа ҳеч ким керакмасди.

Ундан жуда миннатдорман, ҳаётимнинг энг қийин дамларида у мен билан бирга бўлди. Бўлмаса, саккиз йилу уч ой – 3010 кун ичида ўзимни ўзим еб битирардим. Ундай бўлмади. Дўстимнинг турли ҳикоялари, шеърлари, қиссаю романларига маҳлиё бўлиб, йил саккиз йил қандай ўтиб кетганини ҳам билмабман.

– Нима, у адабиётчи эканми?

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Ким экан у? Биз таниймизми? Шундай киши қандай қилиб қамоққа тушибди?

– Йўқ, сен адашясан. "Дўстим" жиноятчи эмас. У маҳбусларга сабоқ бериш, менга ўхшаганларнинг кўзини очиш учун у ерга борган.

Худди бир жумбоқли асар ўқиётгандай эдим. Э, тўхта. Бу курғур сўз ўйини қилмаяптимики, деган хаёлга бордим. Бирдан боя "кўп китоб ўқидим" деган сўзи ёдимга келди. Нима демоқчилигини тушунгандай бўлдим.

– Кутубхона бормикан сен ётган жойда?

– Ҳа, бўлганда қандоқ, – деди у юзи яна ҳам ёришиб

– Шу десанг, панжара ортида энг қалин дўстим, суҳбатдошим китоб

бўлди. Эҳ, у ёқларда вақтнинг ўтиши бирам қийин... Биринчи ўзимни овутиш, бу зулматдан чалғитиш учун ҳажвий асарлар ўқий бошладим. Кейин бошқа китобларга қандай кириб кетганимни билмай ҳам қолдим. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев... Ай, сен Шукур Холмирзаевни ўқиганмисан? Мен ўқидим! Бу, ўзимиздан ҳам классик ёзувчилар чиққан экан-ку, а, билмаган эканмиз-да! Ўқимаганимда ҳам бундай демасдим, ўқидим. Ўша Козлолариям, Помуқлариям, Драйзерлариям! Холмирзаев баридан зўр! Одамнинг руҳиятини шунчалик пухта билиш ҳам мумкин экан-да! Унинг ҳикоялари – даҳшат! Шундай ёзувчини ўттиз ёшимгача билмай яшаганим учун ўзимни ўзим кўп койидим.

Умуман, китоб ўқиш лаззат экан. Ҳар сафар бир китобни қўлимга олганимда, завққа тўлардим. Чунки янги олам, янги тақдирлар, қизик саргузаштлар кутиб турганини билардим. Баъзан қаерда эканимни ҳам унутиб, қахрамонлар билан яшардим. Достонларимизни ўқиб қаттиқ таъсирландим. Уларда мен халқимизни, ўзимни кўргандай бўлдим.

Унинг гаплари узоқ давом этди. У ўзи ўқиган ўнлаб китоблар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Мен ёнимда олдинги дўстимни эмас, балки ҳақиқий ақл-заковатли, тафаккури кенг шахсни кўраётгандим. Ҳатто айрим мулоҳазалари мени лол қолдирди. Унинг ҳаётга теран қараши, олдинга интилиши, келгуси режалари ҳақида суҳбатлашдик. Барчаси зғу, амалга ошадиган орзулар. Буларни эшитиб, дўстим учун хурсанд бўлдим. Чунки унинг олдинга келишдан аввал, қандай қилиб унга ёрдам бериш, кўнглини кўтариш ҳақида ўйлагандим. Бироқ унинг ўзи менга куч берди. Яна ҳам кўпроқ ишлашга, изланишга, ўқишга ундади. Бунинг учун дўстимдан, инсониятнинг доимий дўсти – китобдан миннатдорман.

Албатта, ҳамма ҳам қамоқдан тарбияланиб ёки ақлли бўлиб чиқавермайди. Бунақа воқеалар ўндан бир ёки юздан бир бўлар. Бироқ мингдан бир бўлганда ҳам бир кишининг ҳаётга соғлом руҳда қайтиши жамиятнинг ютуғи эмасми?!

Мўмин ҚОБИЛОВ

ОНА МЕҲРИ

Ўтиргум соатлаб
оққа термулиб
Илҳомни зиндонбанд
этиб хонамга.
Эшикни очганид
кетдим тутоқиб
Бақириб юбордим
мунис Онамга.

Ижодкорлик қарзим
ёдимда аммо,
Фарзандлик фарзимни
унутиб кўйдим.
Ҳайқирдим ларзага келди
Ер, само
Чарчадим баридан
баридан тўйдим.

Видноним азобда
кулча нон каби
Тандир жажловида
кызарди танам.
Хузурига бордим у
из чўкиб дедим:
"Кечиролсанг кечир,
кечир жон Онам".

Мийиғида кулдию
ёшланди кўзи,
Бағрига чорлади
кўлларин чўзиб.
Кучоқлаб олди-да
оҳиста деди:
"Кечирдим кўлонма
кешибсан тўзиб"



Ногаҳон йиқилсак
ёки сиқилсак,
Онамиз эркалаб овулар экан.
Кучоғин тафтидан
муз эриб ногоҳ,
Қизишсак сув бўлиб
совулар экан.

Айни дам шеъримга
нописанд қараб,
Кимнингдур хаёли
қочаётгандур.
Азилар балки,
шу Оналар сабаб -
Куёш нурларини
сочаётгандур.

Зухриддин РАҲМАНОВ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди реестрига киритилган банклар рўйхати:

1.	"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти
2.	"Асака" акциядорлик тижорат банки
3.	"Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки
4.	"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки
5.	"Агробанк" акциядорлик тижорат банки
6.	"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки.
7.	"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки.
8.	"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки.
9.	Чет эл капиталли иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки.
10.	Акциядорлик тижорат "Алоқабанк".
11.	"Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки.
12.	Чет эл капиталли иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки.
13.	"Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки.
14.	"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки.
15.	"Ўзгарозспортбанк" акциядорлик тижорат банки.
16.	"Пойтахт банк" акциядорлик жамияти.
17.	"Invest Finance Bank" акциядорлик тижорат банки.
18.	"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки.
19.	"Туркистон" хусусий акциядорлик тижорат банки.
20.	"Давр Банк" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21.	Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк".
22.	"Ravnaq-bank" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
23.	"HI-TECH BANK" хусусий акциядорлик тижорат банки.
24.	"Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки.
25.	"Мадад Инвест Банк" хусусий акциядорлик тижорат банки.
26.	"ҚДБ Банк Ўзбекистон" акциядорлик жамияти.
27.	"Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти.
28.	"Tenge Bank" акциядорлик тижорат банки.
29.	Эрон "Содерот" банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг юқорида номлари келтирилган банклардаги омонатларини тўлиқ ҳажмда қоплаб берилиши кафолатланган.
Хизматлар лицензияланган.

КЎП ЎТИРИШ – СОҒЛИҚҚА ЗАРАР

Сўнги пайтда кишилар кўп вақтини ўтирган ҳолда, кунини ортиқча жисмоний ҳаракатларсиз ўтказишга одатланиб қолди. Бунга аввало, замонавий офис иш тартиби ҳамда иш столида ишлашнинг бир неча қулайликлари сабаб бўлаётган бўлса, технологик инқилоблар «ўтириш» жараёнини тезлаштириб юборди. Негаки, ходим эндиликда почтага чопиб чиқиши, муражатлар бўйича узоқ йўл юриши шарт эмас, ҳаттоки, тушликни ҳам иш жойига буюртма қилиш мумкин. Бунинг учун биргина компьютер сичқончасининг ҳаракати етарли.



Бир неча йиллар давомида таъкидлаб келинганидек, узоқ вақт ўтириб ишлаш соғлиқ учун зиён, демоқчи эмасмиз, балки у ўта хавфли жараёнга айланиб улгурди. Бир гуруҳ немис олимларининг тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, кун давомидаги ҳаракатсизлик юрак касалликлари, диабет, ўсимта дардини пайдо қилишидан ташқари, инсон ўлимига сабабчи бўлиши мумкин. Бу хулоса спорт билан шуғулланиб келган «ўтирувчи»га ҳам тегишли эканини унутмаслик лозим. Шунинг учун, замонавий қараш билан айтсак, ҳаракатсизлик ёки ўтириш — замонавий чекиш тури.

Бу ўринда кишининг соғлиғига путур етиши неча соат ўтириб ишлаганига эмас, балки танаффуслар чоғида ҳаракатланиши, қадам ташлаб, машқлар бажаришига боғлиқ. Келиб чиқиши Жанубий Америкадан бўлган 12 минг нафар 40 ёш атрофидаги эркак ва аёл қатнашган кузатувлар чоғида бу масалага янада ойдинлик киритилди. Хулоса юқоридаги назарияни исботлаб бера олди.

Нью-Йоркдаги Колумбия Университети ходими Кейт Диазинг Circulation махсус журналига айтишича, бир суткада 10 соатга яқин ҳаракатсиз, ўриндикда

ўтириб ишлаган ходим, агар у ҳар 30 дақиқада танаффус олмаса, организмда инсулин гармонияга жавоб бериш сусаяди. Халқчил қилиб айтганда, ўтирган сари қон таркиби қандага бойиб боради. Қанд касаллигини келтириб чиқараётган узоқ вақт ҳаракатсиз ўтириш ва глюкоза метаболизмининг бузилишини ҳеч қандай спорт, уйку, тўғри овқатланиш ҳам «тўғрилаб» кета олмайди.

Мунтазам офисда ишлайдиган ходимлар бундай хавфдан қандай қутулиши мумкин? Ремшейд кардиологи, шифокор Герберт Лёлльгеннинг айтишича, маслаҳат ўша-ўша, ўзгармайди: 30 дақиқадан ошмай, танаффус қилиш ва ҳаракатланиш керак.

Масалан, офисда ҳаракатланишни кўпайтириш учун сунъий равишда принтерни битта ўрнатиш, ичимлик, совуқчични бурчакка қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иш кунини майда ҳаридлар учун чиқиб-келиш ҳам фойдали. Айрим немис шифокорлари эса дори-дармон ўрнига беморга ҳаракатланиш зарурлиги қайд этилган йўриқнома ёзиб бериши одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Фаргона шаҳар
тиббӣёт бирлашмаси
электрон саҳифасидан

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАББОР

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz
Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади. Буюртма № Г 0235 А-1652 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 04.02.2020 й., 1 2 3 4 5 6